

## Иш туфайли намоз ва рўзаларни тарк этиш мумкинми?

﴿ هل يجوز لي أن أترك الصلاة والصوم بسبب عملي؟ ﴾

[Ўзбекча – Uzbek – ] الأوزبکي

*Шайх Обидхон қори Собитхон ўғиллари*

Манба: *Ислом Овози веб саҳифаси*

[www.islomovozi.com](http://www.islomovozi.com)

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿ هل يجوز لي أن أتكرر الصلاة والصوم بسبب عملي؟ ﴾

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ عابد قاري بن ثابت

المصدر: موقع صوت الإسلام

[www.islomovozi.com](http://www.islomovozi.com)

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلوة والسلام على نبينا محمد وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم بإحسان إلى يوم الدين.

**Савол:** Кореяда ишлайман, ишлаш шароитимда рўзаларни, намозларни тўлиқ адо эта олмайман. Ишимиз оғирлиги учун рўза тута олмасам, намозни вақтида ўқий олмасам нима қилишим керак? Маслаҳат беринг, лекин рўза, намозларни тўлиқ адо эта олмай гуноҳкор бўлиб қолишдан Аллоҳдан ҳам қўрқаман.

М.

**Жавоб:** Аллоҳ таолодан тирикликнинг зоҳирий шартини бажариб, мусоғир юртларда ҳалол мөҳнат қилаётганларга ёрдам ва ҳидоят сўраймиз. Маълумки, ибодатнинг асосини иймон ташкил этади. Ибодат ва солиҳ амалларга куч-қувват берадиган қалбdir. Шундай экан, иймонимиз ва тушунчаларимизни мукаммаллаштириб боришимиз даркор.

Биз қаерда яшамайлик, қандай ишда ишламайлик, Аллоҳнинг бандаси эканимизни унутмаслигимиз лозим. Бизга ҳёт ва ҳаракат неъматини ато қилган ягона Аллоҳ. Бизга ризқ берадиган ҳам Аллоҳ. Бизнинг мөҳнат қилишимиз зоҳирий сабаб. Мөҳнат қилишга ҳам Аллоҳ буюрган. Аммо шуни ҳам билишимиз лозимки, агар Аллоҳ ризқни қирқиб қўйса, ишлаб топган пуллари инсоннинг ўзига буюрмайди. Ёки тайёр қилиб келиб, олдига қўйиб: “Хозир шуни ейман”, деб турган овқатини ея олмай қолиши мумкин. Ё эса “Ютганинг - сеники, чайнаганинг - гумон”, деган мақолни эсланг.

Биз ўз тақдиримиз Аллоҳнинг қўлида эканини англасак, келажагимиз Унга бўйсуниб яшашга боғлиқ эканини тушунсак, Унга яхшироқ боғланамиз ва Унинг айтганларини астойдил бажо қиласиз. Унинг амрини бошқанинг амридан муқаддам қўямиз. Шунда иншоаллоҳ ўтказган умримиздан мамнун ҳолда вафот бўламиз. Инсоннинг иймонсиз яшаган шоҳона ҳаёти ҳалокат билан, ибодатсиз ўтказган дабдабали кунлари надомат билан тугайди.

Ҳеч қайси биримиз бу дунёга ўзимизча келиб олмаганмиз. Аллоҳнинг иродаси ва марҳамати билан аъзолари мукаммал инсон бўлиб туғилдик, алҳамдулиллоҳ. Аллоҳ яратган дунёда сайр қилиб ёки кезиб, У яратган ҳаволарни ютиб, У оқизган сувлардан қониб симириб, У чиқариб қўйган дону дунни пишириб еб, энди Унинг итоатидан бўйин товлаймизми?.. Агар юмшоқ қилиб айтсак, бу энг ёмон беадаблик ва нонқўрлиқдир. Айниқса, намозсиз ҳолда яшаб, шу ҳолда ўлган одам бадбаҳт кимса сифатида ерга кўмилади. У роҳату фароғатлардан тўппа-тўғри азобга

киради. Илоҳо, иймонсизлик, худосизлик, итоатсизлик, намозсизлик ва жаҳаннамдан Ўзинг асрагин.

Аллоҳга ибодат қилмай ўтган одам гўрга киргандан кейин: “Во ҳасрато, қайтаринглар мени орқамга, энди кўзим очилди, Аллоҳга бир марта сажда қилиб олайин! Йўқ-йўқ, бир умр сажда қилиб ўтайин! Майли гадо бўлиб яшайин, аммо иймон билан ўтайин, Раббимга итоат устида ўлайин”, деганининг нима фойдаси бўлади? Унинг онаси шунинг учун тукканмиди? Дўзахга кетиш учун келганмиди бу дунёга?! Ақли аввалроқ қаерда эди унинг?

Аллоҳ барчамизни бундай баҳтсизлиқдан асрасин. Умримизни ғанимат билайлик. Рамазонни хурсанд бўлиб, чиройли ўтказайлик.

Рамазон ахир биз учун келди. Бизнинг гуноҳларимиз ва хатоларимизни ювиб, Охират учун озуқа тўплаб олишимиз учун юборилди. Ёмонликларимиз касрини камайтириб, яхши сифатларимизни ўстириш учун ташриф буюрди.

Кимлардир пул топиш учун минглаб километр масофадан Кореяга ёки Европага кетди. Рамазон эса унинг остонасига ўзи келди. У эса Рамазонга эшигини ҳам очгани йўқ. Аллоҳнинг азиз билган меҳмонни қалбининг кулбасига киритгани йўқ. Ундай одам ўзига ўзи ёмонлик қилди. У энди саҳарликлар суруридан, ифторликлар лаззатидан маҳрум. Аллоҳга уланган қалбларда бўладиган иймоний ва инсоний ҳиссиётлардан бегона. Оламдаги иймон ахли бўлишиб олаётган савоблардан бебахра. У пулнинг қадрини ва ҳисобини яхши билади, аммо савоб нима эканини ҳозир сезмайди. Бу ишларининг натижасини яқинда кўради.

Аллоҳ, ҳаммамизга комил ҳидоят ато қилсин. Нафсига қул бўлган очкўзлардан, шайтон мардикорига айланган хорлардан қилиб қўймасин. Дунё ва орзу ҳавас кетидан қувган беақллардан қилмасин.

Ҳурматли биродар, гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқаман, деган сўзингиз қимматлидир. Агар шу сўзингиз рост бўлса, сиз юқоридаги сўзларни тўғри қабул қиласиз ва иншоаллоҳ энг аввало намозни ўз вақтида ўқийдиган бўлиб оласиз. Агар ишингиз оғирлиги туфайли рўза тутишга қодир бўла олмасангиз, кейин тутиб бериш шарти билан оғзингизни очишингиз мумкин.

Аллоҳдан қўрқсангиз, ибодатларга шароит бермайдиган ишдан кетиб, бошқасига кириш ҳаракатини қиласиз. Бундай пайтда атрофдаги мусулмонлар бир-бирларига ёрдам беришлари вожиб. Улар намоз ўқийдиган ва рўза тутадиган одамлар учун муносиб ишлар ҳақида эълонлар беришлари, бир-бирларини хабардор қилишлари зарур. Намоз, рўза, ҳалол ризқ борасида яхши шароитларда яшаб-ишлиётганлар шу соҳада қийналганларни ўз ёнларига олишлари иймон тақозоси.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ -صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- ”لَا تَحَاسِدُوا وَلَا تَنَاجِشُوا وَلَا تَبَاغِضُوا وَلَا تَنَاهِبُوا وَلَا يَبْغِضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ يَبْغِي بَعْضٍ وَكُوْنُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْرَاجًا. الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ. التَّقْوَى هَا هُنَا“ . وَيُشَيرُ إِلَى صَدْرِهِ ثَلَاثَ مَرَاتٍ ”بِحَسْبِ امْرِئٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْتَرِمَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَمَالُهُ وَعِرْضُهُ“ . (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Бир-бириңгизга ҳасад қилмангиз, бир-бириңгизни алдамангиз, ўзаро нафрат уругини сочмангиз, бир-бириңгиздан узилишиб кетмангиз. Бириңгиз иккинчингизнинг савдоси устига савдо қилмасин. Аллоҳнинг ака-ука бандалари бўлингиз. Мусулмон мусулмоннинг акаси-укаси - унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва таҳқирламайди. Тақво мана бу ердадир”. Шундай деб кўкракларига уч марта ишора қилдилар. “Инсоннинг мусулмон биродарини таҳқирлаши ўзининг ёмонлигига кифоя қиласди. Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўси иккинчи мусулмон учун ҳаромдир”. (Муслим ривояти).

Аллоҳ таолодан барча меҳнаткаш иймон аҳлига Рамазон ойини баракотли қилишини сўраб қоламиз.

